

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOЛИЯ VAZIRLIGI  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
DAVLAT SOЛИҚ ҚЎMITASINING  
ҚАРОРИ

**373** Цементга ва клинкерга қўшимча фойда солиғини  
ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғри-  
сидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил  
28 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1908-4*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республи-  
каси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор**  
**қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмита-  
сининг 2009 йил 9 февралдаги 20, 2009-9-сон қарори (рўйхат рақами 1908,  
2009 йил 24 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпла-  
ми, 2009 й., 9-сон, 97-модда) билан тасдиқланган Цементга ва клинкерга  
қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби  
тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-  
ради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 20 июль,  
53-сон

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

**Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 20 июль,  
2016-31-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ  
қўмитасининг 2016 йил 20 июлдаги  
53, 2016-31-сон қарорига  
ИЛОВА

**Цементга ва клинкерга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб  
чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**қўшимча фойда** — цементни (клинкерни) қопларга қадоқлаш харажатлари (қоплар қиймати қўшилган ҳолда) чегириб ташланган ҳолдаги цементни (клинкерни) реализация қилишдан олинган соф тушум билан барча реализация қилинган цемент (клинкер) ҳажмининг ҳисоб-китоб баҳоси ўрта-сидаги ижобий фарқ;».

2. 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Ҳисобот даврида реализация қилинган цементнинг (клинкернинг) барча ҳажми бўйича аниқланадиган соф қўшимча фойда солиқ солинадиган базадир.».

3. 1-илованинг 010-сатридаги «Реализация қилинган цемент ҳажми» деган сўзлар «Жами реализация қилинган цемент ҳажми» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 2-илованинг 010-сатридаги «Реализация қилинган клинкер ҳажми» деган сўзлар «Жами реализация қилинган клинкер ҳажми» деган сўзлар билан алмаштирилсин.